

Янгиланган Конституцияда белгиланган нормалар демократик-ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилған



Куни кече Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Конституция куни муносабати билан халқимизга байрам табригини йўллади.

Давлат Раҳбари жорий йилда ушбу байрам «сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда» ўтаётганини таъкидлади.

Янгиланган Конституция Янги Ўзбекистонни барпо қилиш стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий асослари, миллий давлатчилигимиз тараққиётининг бугунги босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ўзида акс эттирган тарихий ҳужжат сифатида шаклланди.

Дарҳақиқат, мазкур байрам мутлақо янги сиёсий-хуқуқий шарт-шароит ва муҳитда нишонламоқда. Хусусан, буни қуидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, янгиланган Конституцияда белгиланган нормалар демократик-хуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлашга вакиллик органларининг давлат ва жамият ишини бошқаришдаги ролини кучайтиришга қаратилган.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиши каби муҳим ваколати мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ушбу нормалар ҳокимиёт органлари масъулият чегарасини аниқ белгилашга, ўзаро ҳамкорлик механизмларини оптималлаштиришга, фаолияти самарадорлигини оширишга ҳамда парламентнинг бугунги даврга мос, том маънода халқчил органга айланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шунингдек, Сенатга қонунчиликка оид таклифларни қонунчилик ташаббуси тартибида қуи палатага киритиш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу ваколат Сенат томонидан қонунчилик ва назораттахлил фаолияти ҳамда фуқаролар билан мулоқот натижалари бўйича қонунларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклифларни қуи палатага киритиш имконини беради.

Мамлакат Президентининг табригида таъкидланган муҳим жиҳатлардан яна бири – бу ҳокимлар бир пайтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган кенгаш раиси бошчилик қиласиган янги тизимга ўтилаётгани ҳамда ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий кенгашларга ўтказилгани амалиёти жорий қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтини тугатиш тўғрисидаги конституцион норма ҳокимиёт ваколатларини бўлинеш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидағи масъулиятини оширишга ва ҳудудларда жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қиласиди.

Иккинчидан, сайлов тизимиға оид конституцион нормалар мамлакат сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ўзгаришлардан бўлди. Жумладан, фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳоли манфаатларининг биринчи ўринда инобатга олиниши ва таъминланиши асосий кўрсаткичлардан биридир. Бунинг натижасида аҳолининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллиги даражаси, жамият ва давлат ҳаётига нисбатан дахлдорлик ва масъулиятини ҳисси — умуман олганда сиёсий маданияти сезиларли даражада ортди.

Давлатимиз Раҳбари ўз табригида мамлакатимизда янги тизим асосида бўлиб ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар хусусида тўхталиб “очиқлик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонумизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини” яна бир бор таъкидлади.

Маълумки, жорий йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон тарихида илк бор қуи палатага сайлов аралаш, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилди. Янги тартибга кўра, 150 депутатнинг 75 нафари бир мандатли, қолган ярми ягона округ бўйича сиёсий партияларга берилган овозга мутаносиб равишда муайян партия томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида сайланиши белгиланди.

Учинчидан, бугун дунёда кузатилаётган таҳликали, воқеалар ривожини олдиндан айтиш қийин бўлган мураккаб шароитда мамлакатимизда конституцион ислоҳотларнинг амалга оширилгани муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитда давлатимизнинг қатъий ривожланиш ҳамда либерал-демократик қадриятларнинг мустаҳкамлаш борасидаги стратегик мақсади дикқатга сазовор. Зоро, янгиланган Конституцияда инсон шаъни, қадр-қиймати, унинг хоҳиш-истаклари ва манфаатлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, мамлакат сайлов тизимидағи ўзгаришлар хусусан, технологик инновациялар ва инклюзивлик мұхим ақамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқародан Конституция нормаларига амал қилиш ҳамда мамлакат тараққиеті учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссисининг ошишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, янгиланған Конституцияда белгиланған барча нормалар дарxaқиқат халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси деган бош ғояни ўзида акс әттиради.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар
институти бўлим бошлиғи
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) А.Юсупов*